

А Ж Р И М

2024 йил 01 апрель кунда жиноят ишлари бўйича Жомбой туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи: А.Абдураззаков,

Судья ёрдамчиси А.Азамовнинг котиблигида,

томонлардан Жомбой туман прокурорининг ёрдамчиси С.Қиличевнинг иштирокида,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг «а» банди билан судланган маҳкум Искандаров Исахужа Базарбаевичга нисбатан тайинланган озодликни чеклаш жазосини бошқа оғирроқ жазоси билан алмаштириш ҳақидаги Жомбой туман Ички ишлар бўлими бошлиғининг 1-1406-2301/102-сонли тақдимномасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни;-

АНИҚЛАДИ:

Маҳкум: Искандаров Исахужа Базарбаевич, 1967 йил 26 октябрда Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, соғлом, муқаддам; 2023 йил 22 сентябрдаги жиноят ишлари бўйича Жомбой туман суди томонидан, ЖК 168-моддаси 3-қисмининг «а» банди билан, ЖК 57,62-моддалари қўлланилиб 2 йил 8 ой 20 кун озодликни чеклаш жазоси тайинланган, ушбу тайинланган жазонинг 5 ой 7 кунлик қисмини ўтаган, ўталмай қолган жазо муддати 2 йил 3 ой 13 кунни ташкил қилади, маълумоти ўрта, оилали, икки нафар фарзандлари бор, ишсиз, Жомбой туман, Бешбола маҳалласи, Бешбола қишлоғида яшайди.

Судга, Жомбой туман ИИБ томондан тақдимнома киритилиб унда, маҳкум Искандаров Исахужа Базарбаевичга 2023 йил 22 сентябрдаги жиноят ишлари бўйича Жомбой туман суди томонидан, ЖК 168-моддаси 3-қисмининг «а» банди билан, ЖК 57,62-моддаларига асосан 2 йил 8 ой 20 кун озодликни чеклаш жазоси тайинланганлиги, озодликни чеклаш давомида, унга яшаш жойидан, яъни, Жомбой туман, Бешбола маҳалласи, Бешбола қишлоғидаги яшаш уйдан кечаси 22:00 дан эрталабки соат 06:00 гача уйдан чиқмаслик, Жомбой туман ИИБ пробацция гуруҳининг рухсатсиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Самарқанд вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик, етказган моддий зарарнинг ўрнини 1 ой муддат ичида, яъни 2023 йил 22 октябрь кунига қадар қоплашни таъминлаш мажбурияти юклатилганлиги, бироқ И.Искандаров жабрланувчига етказилган зарарни қопламасдан, жазо талабини бузганлиги сабабли, ўталмай қолган 2 йил 3 ой 13 кун озодликни чеклаш жазосини ЖК 48¹-моддасига асосан бошқа оғирроқ жазога алмаштиришни сўраган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган маҳкум Искандаров Исахужа Базарбаевич ўз кўргазмасида, 2023 йил 22 сентябрдаги жиноят ишлари бўйича Жомбой туман суди томонидан, ЖК 168-моддаси 3-қисмининг «а» банди билан 2 йил 8 ой 20 кун озодликни чеклаш жазоси тайинланганлиги, озодликни чеклаш давомида, унга яшаш жойидан, яъни, Жомбой туман, Бешбола маҳалласи, Бешбола қишлоғидаги яшаш уйдан кеч соат 22.00 дан



эрталаб соат 06.00 гача чиқиши, Жомбой туман ИИБ пробация гуруҳининг рухсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Самарқанд вилояти худудидан ташқарига чиқмасликдан иборат қўшимча чеклашлар, етказган моддий зарарнинг ўрнини 1 ой муддат ичида, яъни 2023 йил 22 октябрь кунига қадар қоплашни таъминлаш мажбурияти юклатилганлигини, ҳақиқатан ҳам Пробация гуруҳи томонидан жазони ўташ қоидалари ёзма равишда таништирилиб, жазони ўташ тартиби ва шартлиги тўғрисида тилхат орқали огоҳлантирилганлиги, жабрланувчига етказилган зарарнинг бир қисмини тўлаганлиги, бироқ ҳозирда жабрланувчига етказилган зарарни ўринини қоплашга шароити йўқлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, яна бир бор имкон беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган Жомбой туман ИИБ Пробация гуруҳи инспектори А.Мукумов ўз кўргазмасида, маҳкум Искандаров Исахужа Базарбаевичга, 2023 йил 22 сентябрдаги жиноят ишлари бўйича Жомбой туман суди томонидан, ЖК 168-моддаси 3-қисмининг «а» банди билан ЖК 57,62-моддалари қўлланилиб 2 йил 8 ой 20 кун озодликни чеклаш жазоси тайинланганлиги, озодликни чеклаш давомида, унга яшаш жойидан, яъни, Жомбой туман, Бешбола маҳалласи, Бешбола қишлоғидаги яшаш уйидан кечаси 22:00 дан эрталабки соат 06:00 гача уйидан чиқмаслик, Жомбой туман ИИБ пробация гуруҳининг рухсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Самарқанд вилояти худудидан ташқарига чиқмаслик, етказган моддий зарарнинг ўрнини 1 ой муддат ичида, яъни 2023 йил 22 октябрь кунига қадар қоплашни таъминлаш мажбурияти юклатилганлиги, бироқ И.Искандаров жабрланувчига етказилган зарарнинг ўрнини қопламасдан келаётганлиги, 2023 йил 30 октябрь куни туман ИИБ пробация гуруҳига чақиртирилиб, жазони ўташ тартиби ҳақида тушунтирилиб, Жиноят-Ижроия кодексининг 44⁴-моддасига асосан огоҳлантириш интизомий жазоси қўлланилганлиги, И.Искандаров интизомий жазо қўлланилганидан сўнг ҳам ўзига тегишли хулоса чиқармасдан 2024 йил 19 март куни туман ИИБ ЖХХ ХПБ профилактика инспекторлари томонидан И.Искандаров жабрланувчига етказилган зарарнинг ўрнини қопламасдан келаётганлик ҳолати аниқланганлиги, ушбу ҳаракатлари билан И.Искандаров ўзига юклатилган мажбуриятни ўташдан қасдан бўйин товлаб келаётганлиги сабабли унинг ўталмай қолган 2йил 3 ой 13 кун озодликни чеклаш жазосини ЖК 48¹-моддасига асосан бошқа оғирроқ жазосига алмаштириб, Жомбой туман ИИБ бошлиғининг тақдимномасини қаноатлантиришни сўради.

Шу каби, Ўзбекистон Республикаси ЖК 48¹-моддасининг 6-қисмида, маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасдан бўйин товлаган, шунингдек, суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкин. Жазони ўташдан бўйин товлаш вақти ўталган жазо муддатига қўшиб ҳисобланмаслиги кўрсатилган, И.Искандаров жабрланувчига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятини бажармасдан ушбу талабларни қўпол равишда бўзган.

Суд, тақдимнома билан танишиб чиқиб, йиғма жилдда тўпланган хужжатларни ўрганиб, уларга ҳуқуқий баҳо бериб, ишда қатнашган Жомбой



туман прокурорининг ёрдамчиси С.Қиличевнинг фикрини, Жомбой туман ИИБ Пробация гуруҳи инспектори А.Муқумов ва маҳкум И.Искандаровнинг кўрсатувини тинглаб, маҳкум озодликни чеклаш даврида унга юклатилган жабрланувчига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятини бажармасдан, бўйин товлаб келганлиги боис, жиноят ишлари бўйича Жомбой туман судининг 2023 йил 22 сентябрдаги ҳукми билан тайинланган 2 йил 8 ой 20 кун озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган 2 йил 3 ой 13 кунлик қисмини ЖК 48¹-моддасига асосан шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштириб, дарҳол суд залидан қамоққа олишни, ЖК 50-моддаси 7-қисмининг «б» банди талабидан келиб чиқиб, жазони умумий тартибли колонияларда ўтатиришни белгилашни ва тақдимномани қаноатлантиришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-Процессуал кодексининг 423-моддасига асосан суд, ажрим қилди,

А Ж Р И М :

Жомбой туман ИИБ бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Маҳкум Искандаров Исахужа Базарбаевичга жиноят ишлари бўйича Жомбой туман судининг 2023 йил 22 сентябрдаги ҳукми билан 2 (икки) йил 8 (саккиз) ой 20 (йигирма) кун озодликни чеклаш жазоси тайинланиб, ўталмай қолган 2 (икки) йил 3 (уч) ой 13 (ўн уч) кун қисми ЖК 48¹-моддасининг 6-қисмига асосан шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилсин.

Маҳкум Искандаров Исахужа Базарбаевич суд залидан қамоққа олинсин.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўтатирилиб, жазони ўташни бошлаш муддати 2024 йил 01 апрель кунидан ҳисоблансин.

Ажримдан норози томонлар ўн сутка ичида шу суд оркали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

А.Абдураззаков



Ҳужжат имзоланган: Абдураззаков Абдусаттор Азаматович, 04.04.2024

